Ишонч ёрлиқлари топширилди









Суратларда: ишонч ёрлиқларини топшириш пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

25 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили ҳамда мувофиқлаштирувчиси этиб тайинланган Павел Крал ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари ёрлиқни қабул қилиб олар экан, П. Крални ушбу шарафли ва масъулиятли вазифага тайинлангани билан қутлаб, унинг янги лавозимдаги фаолиятига муваффақият тилади.

— Сиёсат соҳасидаги тажрибангиз ва Марказий Осиёни яхши билишингиз Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади,— деди Ислом Каримов вакил билан суҳбатда.— Биз БМТни дунёнинг энг нуфузли ташкилоти, мустақиллигимизни кафолатлайдиган халқаро тузилма, деб биламиз. Ҳар доим унинг мадад ва дастагини ҳис қилиб турамиз.

П. Крал самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш йўлида куч-ғайратини аямаслигини маълум қилди.

Суҳбат чоғида БМТ Бош Ассамблеясининг айни кунларда Нью-Йоркда ўтаётган сессиясида кўрилаётган масалалар, халқаро миқёсдаги муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳсин Али Хондан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

— Ўзбекистонликлар сизнинг ватанингизни яхши билади,— деди Ислом Каримов элчи билан мулоқот чоғида. — Бангладешликларнинг табиати, урф-одатлари кўп жиҳатдан ўзбекларникига ўхшаш ва яқин.

Давлатимиз раҳбари Бангладешда сўнгги йилларда бўлаётган ўзгаришларга тўхталди ва жумладан бундай деди:

— 1996 йилда янги ҳукумат тузилганидан кейин юртингизда кенг кўламли ислоҳотлар бошлаб юборилди. Ўзбекистонда бу ўзгаришлар хайрихоҳлик билан қабул қилинмоқда. Биз Бангладешда бошланган ислоҳотлар халқ фаровонлигини оширишга, давлатни юксалтиришга хизмат қилишининг тарафдоримиз. Бу ислоҳотлар самара беришига тилакдошмиз.

Муҳсин Али Хон Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнуният изҳор этиб, келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ўзининг муносиб улушини қўшиш учун бор куч-ғайратини ишга солажагини маълум қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Бангладеш муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Биргер Дан Нилсен ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли вазифа билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш икки давлат учун ҳам фойдали эканини таъкидлаб, масъулиятли вазифани бажаришда унга муваффақият тилади.

Биргер Дан Нилсен самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, деди элчи, биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз. Шунингдек, у Ислом Каримовга Дания Қироличасининг номасини етказди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Кипр Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Платон Кириакидисдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари Платон Кириакидисни Ўзбекистонда элчилик фаолиятини бошлагани билан табриклаб, унга юксак ва масъулиятли ишида омад тилади.

Платон Кириакидис самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ўз фаолияти давомида Ўзбекистон билан Кипр ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун бор ғайратини ишга солажагини маълум қилди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Файзуллаев иштирок этди.

(ЎзА)

«Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги

Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, республика «Матбуот тарқатувчи« ёпиқ акциядорлик жамияти, республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ўзбектуризм», «Ўзтелерадиокомпания», Самарқанд СТВ мустақил телекомпанияси, Андижон ёшлар телерадиокомпанияси, «Миллий тикланиш», «Мулкдор», «Ватан», «БВВ» каби ўттиздан ортиқ оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлар нодавлат ахборот агентлигини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эдилар. 25 сентябрь куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлиги ёпиқ акциядорлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъсис йиғилишида «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлигининг таъсис шартномалари, шунингдек, агентлик низоми тасдиқланди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши З. Розиевни «Туркистон-Пресс» нодавлат ахборот агентлигининг бош директори этиб сайлади. Шунингдек, агентликнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари сайландилар.

(ЎзА)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 26 сентябрь, шанба • № 115 (23.352).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Янгиликни шарҳлаймиз

Омонатга бўлмас хиёнат

Долларингиз борми? Банкка қўйинг, фойда кўрасиз

Бозор муносабатлари шароитида банк тизимининг мавқеи тубдан ўзгармоқда. Давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий юки худди ана шу тизимга тушмоқда. Шу сабабли банклар фаолиятини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил қилиш ва такомиллаштириш, уларнинг мустақиллигини ва пул муомаласидаги аҳвол учун жавобгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида банк тизимини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар, қарорлар, Президент Фармонлари қабул қилинди. Айниқса, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мустақил ва эркин банк тизимининг қарор топишига ёрдам берди.

Маълумки, мамлакатимиз барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, бир томондан, банк тизимимизнинг такомиллашганлигига, илғор жаҳон тажрибаси, иш услубларининг тадбиқ этилишига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, молия бозорининг барқарорлашувига олиб келади.

Ҳукуматнинг қатъий пул-кредит сиёсати ва бошқа макроиқтисодий тадбирлар олиб борилиши натижасида инфляция даражаси кескин камайди. Масалан, 1994 йилда унинг ўртача ўсиш суръати 23,3 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда 6,7 фоизни, 1996 йилда 4,2 фоизни, 1997 йилга келиб эса 2,0 фоизга тушди.

Давлатимиз олиб бораётган аниқ йўналтирилган монетар сиёсат нафақат инфляцияни жиловлаб туришга, балки барқарор иқтисодий ривожланишни таъминламоқда. Инфляциянинг пасайиши эса банкларнинг аҳоли омонатларини жалб қилиш, қимматли қоғозлар операцияларини ривожлантириш имконини бермоқда. Якуний натижада аҳолининг молия-валюта ва банк тизимига ишончини оширмоқда.

Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократлаштириш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёни банк тизимида ҳам ўз аксини топмоқда.

Куни кеча эълон қилинган мамлакат Президентининг **«Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги омонатларини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони республикамиз валюта бозорининг эркинлашуви, фуқароларнинг валюта омонатларини очишга бўлган манфаатдорлигини оширишга, банк тизимига халқаро тажрибаларга мос тушадиган замонавий хизмат турларини амалиётга тадбиқ қилиш имконини беради.

Фармоннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига жисмоний шахсларга мижознинг исм-фамилияси кўрсатилмайдиган усулда эркин муомаладаги хорижий валютада ҳисоб очишга рухсат беришни кўзда тутади. Бундай ҳисоблар очиш МДҲ мамлакатлари банклари орасида биринчи бор тадбиқ этилмоқда.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: бу янгилик халқимизга қандай имтиёз ва қулайликлар беради?

Авваламбор фуқаролар қўлидаги эркин валютани ишончли сақлаш, фойда олиш, керакли вақтда қайтиб олиш ва мижознинг исм-шарифи, турар жойи тўлиқ сир сақланиши таъминланади. Ҳисоб варақаси очиш вақтида сиздан ҳеч қандай ҳужжат ёки расм талаб қилинмайди. Унинг яна бир қулай томони, агар сиз ҳисоб-варақа очилган карточкангизни турмуш ўртоғингиз, ота-онангиз, фарзандларингиз ёки бўлмаса хоҳлаган бир фуқарога ишониб берсангиз, улар банкда бемалол операциялар бажаришлари мумкин.

Мижоз ҳисоб-варақасининг ҳолати, бажарилаётган операциялар банк томонидан тўлиқ сир сақланади. Шахсий жамғармаларнинг сир сақланиши «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 38-банди ва «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси»нинг 786-банди бўйича кафолатланади.

Ташқи иқтисодий Миллий банкнинг бўлимларида эркин муомаладаги валюта ҳисоб-варақасига эга фуқаролар ўз жамғармаларини хоҳлаган вақтда истаган хорижий мамлакат банкларига ёки бўлмаса, чет мамлакатдан ўз ҳисоб-варақаларига чекланмаган миқдорда ўтказишлари мумкин. Агар сизга чет эл сафарига ёки бўлмаса бошқа бир юмуш учун валюта зарур бўлиб қолса бир кун ичида керакли суммани ўз ҳисоб-варақангиздан олишингиз мумкин.

Маълумки, собиқ маъмурий-буйруқбозлик ҳукмрон бўлган тузумда аҳоли ўзларининг катта ҳажмдаги омонатларини қўя олмас, уни ишлатиш доираси эса тўлиқ чекланган эди. Эркин муомаладаги валюта тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Тўғрисини тан олишимиз керак, ҳамон айрим одамларда хавотир, қонунларни яхши билмаслик оқибатида шубҳа билан қарашдан қутула олганимиз йўқ. Кечаги «панжара ичидаги» жамият яна қайтиб келиши мумкин, деган туйғу баъзиларни ҳали тўлиқ тарк этмаган.

Унинг оқибатида тўғри йўл билан топилган пул жамғармаларимизни яшириш, ноқонуний йўллар билан устама фоиз ҳисобига фойда олиш мақсадида тўғри келган одамларга ўз маблағларини маълум муддатга бериб «оғизлари куйиб» қоляпти.

Ушбу Фармонга асосан эркин муомаладаги валютага эга фуқаролар ўз жамғармаларининг миқдоридан қатъи назар, декларациясиз Миллий банкнинг барча бўлимларига топшириб, фойда олишлари мумкин. Жамғармаларини қонун доирасида қандай миқдорларда ва ҳажмда ишлатишларидан қатъи назар фуқароларнинг даромадлари тўғрисида декларация талаб қилинмайди.

Фармонда республиканинг ваколатли банкларига жисмоний шахсларнинг эркин муомаладаги валютадаги омонатлари бўйича фоиз ставкаларининг янги, ошиб борадиган шкалаларини жорий этиш юклатилган. Ҳозир Миллий банк бўлинмаларида йиллик фоиз ставкаси омонат шартларига боғлиқ равишда 6,5 фоизгача ташкил қилмоқда.

Фармоннинг яна бир эътиборли томони шундаки, банк хизматининг янги тури республикамизнинг энг нуфузли, ишончли, дунёнинг энг кўп фойда оладиган 25 та банкларидан бири ҳисобланган ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида жорий қилинганлигидадир. Масалан, 1995 йил 1 январь ҳолатига жисмоний шахслар томонидан Миллий банкда очилган эркин муомаладаги валюта омонатлари 3,4 минг ҳисоб варақаси ва суммаси 3,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилнинг 1 сентябрига келиб ушбу кўрсаткичлар 36,5 минг ҳисоб варақаси ва 11,8 миллион АҚШ долларига етди.

Миллий банкнинг мижозларга исм-фамилияси сўралмайдиган усулда эркин муомаладаги валютада ҳисоб очиш ва уларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибаси 1998 йил якунлари бўйича умумлаштирилиб, уни бошқа ваколатли банклар ўртасида оммалаштирилади.

Жисмоний шахсларнинг омонатлари ҳамда бу омонатлар бўйича ўтказилган операциялар хусусида омонат сирининг очилишининг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига юклатилди.

Ушбу Фармоннинг бажарилиши республикамиз банк тизимини демократлаштириш, мижозлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролар жамғармаларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Авазхон СОДИҚОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Хазинатопарлар байрами

Навоий тоғ-металлургия комбинати мамлакатимизнинг кўп тармоқли йирик корхоналаридан ҳисобланади. У 1958 йилнинг сентябрь ойида ташкил топган. Бугунги кунда ўзининг 40 йиллик юбилейини нишонлаётган бу корхона тарихан қисқа даврда дунёда нодир қазилма бойликлари ишлаб чиқарадиган энг йирик корхоналардан бирига айланди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг комбинат ишчи-хизматчиларига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари Виктор Чжен ўқиб эшиттирди. НТМК бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Николай Кучерский комбинатнинг 40 йилда босиб ўтган йўли ҳақида маъруза қилди.

Йиғилишда Навоий, Бухоро вилоятлари ҳокимлари Ҳаёт Ғаффоров, Самойиддин Ҳусенов қатнашди.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири.

Мусиқа фестивали якунланди

Мамлакатимизда барча санъат соҳалари каби профессионал композиторлик ижодиётига ҳам жиддий эътибор берилаётир. Пойтахтимизда симфоник ва камер мусиқа санъатига бағишланган илк йирик халқаро анжуман ўтказилганлиги бунинг яққол мисолидир. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ташкил этилган бу тадбирда жаҳоннинг композиторлик ижодиёти кенг тараққий этган йигирмага яқин мамлакати вакиллари, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари, Франция, Хитой, Туркия, Корея, Люксембург, Болгария каби йирик давлатлар, Марказий Осиё мамлакатларининг таниқли композитор, дирижёр, мусиқашунос ва созандалари иштирок этди.

25 сентябрь куни пойтахтдаги «Туркистон» саройида халқаро симфоник мусиқа фестивалининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни фестиваль бош директори, Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев кириш сўзи билан очар экан, бу тадбир Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг мантиқий давоми бўлиб, ҳақиқий санъат байрамига айланганлигини таъкидлади.

АҚШ Бостон университетининг профессори, мусиқашунос Петер Чайлд ва хитойлик композитор Гиа Гианг ўз сўзида мазкур анжуман жаҳон халқлари ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, мусиқа санъатини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилганлигини, Ўзбекистонда мусиқа санъати, айниқса, унинг симфоник жанри юқори даражада тараққий этганлигини эътироф этди.

Анжуман чет эл ва ўзбек бастакорлари асарларидан тузилган симфоник мусиқа концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев қатнашди.

Бахтиёр МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

Пахта теримида ҳар дам ғанимат

Сирдарё вилоят ҳокимлигида пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар ҳокимликлари, мутасадди вилоят ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, шунингдек, республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Пиримқулов Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг бажарилиши ва бу борада олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида маъруза қилди.

Маълумки, вилоятда пахтанинг асосий қисми техника ёрдамида териб олинади. Шу боис, барча терим машиналаридан унумли фойдаланиш, ишни икки сменада ташкил этиш, механизаторлар учун зарур маданий-маиший шароитни вужудга келтириш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Темур Алимов сўзга чиқди.

Фарҳод НОРМАТОВ,
ЎзА мухбири.

«Марказийосиёбатальони-98» машқлари муваффақиятли ўтди

22-25 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида НАТО мамлакатлари ҳамда ҳамкор давлатлар иштирокида ўтказилган «Марказийосиёбатальони-98» дала машқлари муваффақиятли якунланди. Машқлар тинчлик ўрнатувчи операцияларни ўтказишда Марказий Осиё батальонининг кўп миллатли кучлар бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашиш мақсадида амалга оширилган эди. Машқларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Америка Қўшма Штатлари, Россия, Туркия, Озарбойжон ва Грузия Қуролли Кучларининг бўлинмалари иштирок этди. Бир қанча мамлакатлар Қуролли Кучлари вакиллари кузатувчи сифатида қатнашди.

25 сентябрь куни Чирчиқдаги машқ марказида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Марказийосиёбатальони-98» машқларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Маросимда машқларда иштирок этган мамлакатларнинг ҳарбий делегациялари раҳбарлари, кўпгина хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари, чет эллик ҳамда республикамиз журналистлари, кўп сонли меҳмонлар қатнашди.

Машқларнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов, Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-лейтенант Ҳ. Турсунов иштирок этди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА махсус мухбири.

Ҳоким муовини ногиронга қўл кўтарди

Ўзидан бир поғона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поғона паст бўлган одамни оёқ ости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутилишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Очиғи, шикоят хатини ўқиб, унга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасдик. Касб тақозоси билан жуда кўп арзномалар билан танишишга, ўрганишга тўғри келган. Аммо... Бундай шикоят хати камдан-кам бўлади. Унда Сурхондарё вилояти Бандихон тумани ҳокими ўринбосари Чори Мирзаевнинг одамларга қўл кўтаришгача бориб етгани ёзилганди. Наҳотки?! Ахир, ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари одамлар дардини эшитсин, оғирини енгил қилсин, уларга бош бўлсин деб қўйилган бўлса-ю, Чори Мирзаев кабилар фуқаролар билан ёқа йиртишса? Бу қандай гап бўлди? Наҳот...

Ана шундай ўйлар билан Бандихонга бордик. Шикоят хатини ёзган Бандихон туман уй-жой коммунал хўжалиги бошлиғи, 2-гуруҳ ногирони Бобоқул Абдурайимов билан суҳбатлашдик.

— Нимаики ёзган бўлсам — ҳақиқат, — дейди у йиғлагудек бўлиб. — Ўша куни, аниқроғи шу йилнинг 18 августида туман ҳокимлигининг топшириғи билан катта спорт ўйингоҳини тозалаш, ободонлаштириш ишлари бизга топширилган эди. Мен одамларимни олиб, ўйингоҳни янтоқлардан тозалаётган эдим, эрталаб соат 9.30 да туман ҳокимининг муовини Чори Мирзаев келиб, салом йўқ, алик йўқ, сўкина кетди. «Нима учун стадион ёнидаги заборнинг ичини қамишлардан тозаламаяпсан, агар тозаламасанг мен сенга кўрсатиб қўяман» деб ёқамдан олди. Мен у кишига жавоб қайтаришга ҳам улгурмадим. У чап жағим, халқумимдан чангаллаб, эзиб, мени судрай кетди.

— Ҳозир сенга ҳоким муовинига гап қайтаришни кўрсатиб қўяман? Мен қандай топшириқ берсам «ест» дейишинг керак, — ярамас! — дея Чори Мирзаев мени яна муштлай кетди. Ҳаммаёғим қип-қизил қонга беланди. Қулоғим шанғиллаб, эшитмай қолди. Бўйнимдан оқаётган қонни ювиб, зўрға ўзимга келдим. Кечроқ туман ҳокими А. Чоршанбиевга бориб бўлган воқеани айтдим.

Ҳоким Чори Мирзаевни чақириб, чора кўрар, мен хато қилган бўлсам, уни айтар деб ўйлаган эдим. Аммо... туманимиз раҳбари: «Муовин урган бўлса, экспертизага боринг, милицияга мурожаат қилинг, менга нима дейсиз?» — деди.

Шундан сўнг кечаси билан ўйладим. Қандай бўлар экан, бир ерлик одамлар бўлсак, раҳбар кишилар бўлсак. Балки, Чори Мирзаев қизиққонлик қилиб менга қўл кўтаргандир. Эртага хатосини тушуниб, кечирим сўрар...

Эртаси яна белгиланган иш жой — ўйингоҳга бордим. Ишонсангиз, эрталабдан ҳоким муовини Чори Мирзаев яна келиб менга тармашди. У нуқул: «Сени ўлдираман» — деб ўшқирарди.

Аҳволим оғирлашди. Жароҳатим бир томону асабларим ҳам тамом бўлди. Экспертизага ҳам, милицияга ҳам бордим. Бир ҳафта туман касалхонасида даволандим. Сизга мактуб ёзишимга сабаб шуки, унга ҳеч қандай чора кўрилмади. Ўзи Чори Мирзаев, ҳоким муовиниманми, мендан ҳамма зир титраши керак, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам у мени ногиронлигимга қарамай, калтаклади. Қўл остимдаги одамлар олдида ҳақоратлаб шарманда қилди.

Чори Мирзаев эса саволларга истар-истамас жавоб қайтарар экан: «Ўша кунлари кайфиятим унча яхши эмас эди. Вилоят рўзномасида Ҳожимурод деган журналист бизни боплаб танқид қилганди» — дейди.

Зўравонлик билан раҳбарлик қилиб бўлмаслигини у каби раҳбарлар қачон тушунадилар? Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, мансаб бериб кўр, деган нақл бекорга айтилмаган экан-да.

Шундан кейин Бандихон туманида нега маданий-маърифий ишлар ўлда-жўлдалигига ажабланмадим. Чунки тумандаги мавжуд мактабларнинг 70 фоизида оддий стадионларнинг умуман йўқлиги, қишки спорт ўйингоҳлари ҳақида эса бандихонлик ўқувчиларнинг ҳатто тасаввурга эга эмаслиги, тумандаги маданият ва истироҳат боғида дов-дарахтлар, гуллар ўрнига янтоқ, ажириқ, қамиш ва бошқа хил ёввойи ўтлар ўсиб ётгани, туманда бирорта сартарошхона йўқлиги, касалхонларнинг ниҳоятда ғариб ва хароб ҳолдалиги, хуллас биронта янгиланиш, ўнгланиш бўлмаётганлигини ўйлаб қолдим.

Туман ҳокимининг маданият ишлари бўйича ўринбосари Чори Мирзаевдан туманда нега аҳвол бу қадар қолоқлигича қолаётганини сўрасангиз: «Бориб-бориб ҳаммаси яхши бўлиб кетади», — дейди...

Рости, бу мулоқотдан сўнг ҳоким муовини Чори Мирзаевга бошқа савол бериб ўтиришни ортиқча билдим.

Яна шу нарса таажжублики, бу воқеа содир бўлганига бир ойдан ошган, ногирон Б. Абдурайимовга етказилган жароҳат тиббий экспертиза хулосасида аниқ қайд қилинган бўлса-да, бу ҳолга на туман қонун идоралари, на туман ҳокимлигидагилар бирон чора кўришмаган. Балки, бу ҳолат бўйича юқори идора вакиллари ўз муносабатларини билдиришар?

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Кўмирдек ёнасизми, куясизми?»

(«Ўзбекистон овози» 1998 йил 4 август)

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 4 август сонида юқоридаги сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда халқ таълими муассасаларини кўмир билан таъминлашдаги муаммолар ва етказилиб берилаётган кўмирнинг сифатсизлиги, оқибатда қиш-қировли кунларда қишлоқ жойлардаги кўплаб мактабларда ўқиш-ўқитиш жараёни баъзида тўхтаб қолаётганлиги танқид қилинган эди. Ачинарлиси шундаки, бу йилги қишга ҳам кўмир жамғариш кўнгилдагидек эмаслиги ташвишланарлидир. Қуйида танқидий мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Кўмир» акционерлик бирлашмасидан олинган жавобларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Кўтарилган масаланинг ўткирлиги ва долзарблигини ҳисобга олиб, халқ таълими вазири Жўра ЙЎЛДОШЕВнинг вилоят ҳокимларига йўллаган хатларини ҳам диққатингизга ҳавола этишни лозим топдик.

«Кўмир» акционерлик бирлашмаси:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 91-сонида чоп этилган «Кўмирдек ёнасизми, куясизми?» сарлавҳали мақоласи Халқ таълими вазирлигининг Ҳайъат мажлисида барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирокида кенг муҳокама қилинди. Барча иштирокчилар таълим муассасаларини кўмир билан таъминлаш «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг жойлардаги базаларига ўтиши билан жуда ёмон аҳволга тушганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ҳақиқатдан ҳам илгари кўмир «Ангрен» кўмир конидан вагон билан тўппа-тўғри таълим муассасаси адресига, унга яқин станцияга юборилар эди. Ҳақиқий ортилган кўмир учун Молия вазирлиги томонидан керакли маблағ ажратилиб, ўз вақтида «Кўмир» акционерлик бирлашмасига ўтказилар эди. Ҳозир эса жойлардаги кўмир базалари олдиндан пул ўтказишни талаб қилмоқдалар.

Қиш мавсуми яқинлашиб келмоқда, аммо ҳозирга қадар тузилган шартномалардаги 408969 тонна ўрнига 133200 тонна кўмир ортилди, бу эса йиллик режанинг 33 фоизини ташкил этади, холос. Кўмир ортиш шу аҳволда давом этаверса, қиш кунлари қатор муассасалар ёқилғисиз қолиб кетишлари мумкин. Кўмир билан таъминлашни эски ҳолига қайтиб бериш тўғрисида «Кўмир» акционерлик бирлашмаси бошлиғи А. И. Лелеко номига ёзилган хатлар натижасиз қолмоқда.

Ҳаттоки Молия вазирлиги халқ таълими муассасаларига кўмир ортишни эски ҳолига қайтариб, маблағни марказлашган ҳолда Халқ таълими вазирлиги орқали «Кўмир» акционерлик бирлашмасига ўтказиш ҳақидаги 1998 йил 19 февралда ёзилган хат ҳам инобатга олинмади.

Халқ таълими вазирлиги кўмир ортишда сезиларли бурилиш ясаш мақсадида барча вилоят ҳокимлари номига, жойлардаги «Кўмир» таъминот корхоналарига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма берилишини илтимос қилиб ёзган хатимизга биноан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков «Кўмир» акционерлик бирлашмаси бошлиғи А. И. Лелекога, молия вазири Ж. Б. Сайфиддиновга, халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимларига масаланинг муҳимлиги ва кузги-қишки мавсумнинг яқинлашаётганлигини ҳисобга олиб, дарҳол чоралар кўриш юзасидан кўрсатма бердилар.

Бу муҳим вазифанинг ижро этилишини Халқ таълими вазирлиги ўз назоратида ушлайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 4 август сонида чоп этилган «Кўмирдек ёнасизми, куясизми?» сарлавҳали мақола «Кўмир» акционерлик бирлашмаси ижроия маҳкамасида Ангренда бўлиб ўтган бирлашмага қарашли корхоналар раҳбарлари иштирокидаги кенгашда, шунингдек, сим орқали кенгашда муҳокама қилинди.

1997 йил ва жорий йилнинг 7 ойи мобайнида халқ таълими муассасаларини кўмир ёқилғиси билан таъминлаш борасидаги танқидий мақолани муҳокама этиш натижаларига кўра қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 октябрдаги 516-сонли «Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва бюджет ташкилотларига кўмир сотишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан кўмир қазиб олувчи ва сотувчи бирлашма таркибида маҳсулотни сотиш ва маркетинг бўйича вилоятларда улгуржи-чакана ёқилғи савдо корхоналари бўлган «Ўзбеккўмир» фирмаси ташкил этилди.

Юқорида айтиб ўтилган Ҳукумат қарорига асосан 1994-1995 йилларда «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» уюшмалари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва бошқа бюджет ташкилотларига қарашли бўлган мавжуд барча ёқилғи базалари (омборлари) ҳамда юк тушириш майдончалари «Ўзбеккўмир» фирмаси тасарруфига ўтказилди.

Кўмир учун маҳаллий бюджетдан пул ажратиш тартиби жорий этилгач, 1997 йилдан бошлаб «Ўзбеккўмир» фирмасининг вилоятлардаги корхоналари вилоят халқ таълими бошқармаси ёки туман халқ таълими бўлими билан шартнома асосида бевосита истеъмолчиларнинг ўзларига — мактаблар, болалар боғчалари, лицейлар ва бошқа халқ таълими муассасаларига кўмир етказиб бера бошлади.

Бунда кўмир жўнатиш чоғидаги барча жараён (кўмир ортилган вагонларни темир йўлдан қабул қилиш, вагонларни станция йўлидан юк тушириш жойига келтириш, уларни тозалаш, кўмирни механизмлар воситасида тушириш, уюш, сақлаш, истеъмолчи автотранспортига ортиш, тарозида ўлчаш) бажарилади, бу эса кўмирни ташиш чоғида нобуд бўлишининг олдини олади, сервис хизматини кафолатлайди.

Вилоят улгуржи-чакана ёқилғи савдо корхоналари кўрсатган барча хизматлар баҳоси савдо устамасига киритилади ва у кўмир улгуржи баҳосининг 5-20 фоизини ташкил этади.

Базалардан (омборлардан) халқ таълими муассасаларига кўмир бериш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 4 март Фармонларига биноан кўмир учун олдиндан пул тўлангандан сўнг амалга оширилаётир.

1997 йилда республика халқ таълими 327,0 минг тонна кўмир харид қилди ва жамғарди. Олинган кўмир учун дебитор қарзлар 1998 йилнинг 1 январига 98 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди.

Ўтган йилги иш натижаларига кўра Андижон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари халқ таълими бошқармалари бозор иқтисодиёти талаблари асосида иш юритишди, дейиш мумкин. Улар белгиланган топшириқни тўла бажариб, зарур миқдордаги кўмирни харид қилди ва йилни оз миқдордаги дебитор қарзлар билан якунладилар. Бошқача айтганда, 146,5 минг тонна кўмир тайёрлангани ҳолда 12,5 миллион сўм дебитор қарз бўлишига йўл қўйилди.

Фарғона, Наманган, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими бошқармалари кўмир учун ўз вақтида пул тўламаганликлари боис эҳтиёжнинг 50-80 фоизи атрофида ёқилғи харид қилдилар. 180,5 минг тонна кўмир олинган ҳолда 85,5 миллион сўм дебиторлик қарзига йўл қўйилди.

Мазкур вилоятлар бутун йил мобайнида олинган кўмир учун ўз вақтида пул тўламай келдилар.

1998 йилда халқ таълими шартнома мажбуриятидан орқада қолган ҳолда кўмир харид қилаётир ва тайёрлаётир. Республика бўйича 340,0 минг тонна кўмир харид қилиниши керак. Жорий йилнинг 7 ойида 133,2 минг тонна кўмир харид қилинди, холос. Бунда 1998 йил 1 август ҳолатига кўра дебитор қарзлар 76 миллион сўмдан зиёд.

Кўмир харид қилиш ва жамғариш Андижон, Бухоро, Фарғона, Сирдарё вилоятларида бирмунча яхши бораётир. Бу вилоятларда шу йилнинг 17 августига қадар йиллик эҳтиёжнинг 50 фоизидан зиёд кўмир харид қилиб, жамғарилди.

Бироқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Тошкент, Жиззах вилоятлари халқ таълими бошқармалари ҳалигача кўмир жамғаришга жиддий киришганлари йўқ. Бу вилоятларда йиллик эҳтиёжнинг 17-20 фоизи даражасида кўмир олинди, холос.

Шуни таъкидлаш керакки, 1997 йилда олинган кўмир учун қарзларни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти халқ таълими муассасалари шу йилнинг июль ойидагина тўладилар.

Тошкент вилояти эса ҳалигача 0,2 млн.сўм қарз бўлиб турибди.

Республиканинг барча вилоятларида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари эҳтиёжи учун қаттиқ ёқилғи харид қилиш ва тайёрлаш жадвали тузилган ва у вилоят ҳокимликлари ҳамда бирлашма раҳбарияти томонидан тасдиқланган. Афсўски, бунда кўмир харид қилиш учун ўз вақтида молиявий маблағлар ажратиш масаласи вилоят молия органлари томонидан бажарилмай қолаётир.

Кўмир сифатига келсак, шартномада қайд этилган шундай тартиб бор: чанглиги, намлиги, йириклиги жиҳатидан белгиланган талабга жавоб бермайдиган маҳсулотни истеъмолчи қабул қилиб олишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Бу кўрсаткичлар ошиб ёки камайиб кетганда маҳсулот нархига қўйиладиган чегирма ёки устамалар ҳам белгилаб қўйилган. Шунингдек, сифатсиз кўмирни истеъмолчиларга бошқаси билан қанча ҳажмда алмаштириб бериш нормалари ҳам аниқланган. Кўмир қазиб олиш корхоналари бу қоидага қатъий риоя қилмоқдалар. Йил давомида истеъмолчилардан атиги бир неча эътироз тушди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси халқ таълими муассасалари учун «Ўзбеккўмир» фирмаси базалари (омборлари)дан тўла миқдорда кўмир етказиб бера олади ва буни кафолатлайди. Фақат бунда маҳсулот учун олдиндан ҳақ тўланган, ҳисоб-китоблар ўз вақтида қилинган бўлиши шарт.

Бирлашма бош директори ўринбосари Н. УМАРОВ.

Хоразм вилояти ҳокими И. Ю. Юсуповга

Ҳурматли Искандар Юсупович!

Халқ таълими вазирлиги Хоразм вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 7350 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, 14 августгача ҳали бирон тонна ҳам олинмаган. Ўтган йили 14 августгача 1300 тонна жамғарилган эди.

Вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси С. И. Авезметовга

Ҳурматли Сапарбай Июлдошевич!

Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Республика кўмир корхоналари билан 10850 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августгача бўлган ҳолати 1600 тонна бўлиб, йиллик режанинг 15 фоизини ташкил этади, холос. Ўтган йили 14 августгача 3000 тонна жамғарилган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Тошкент вилояти ҳокими Э. М. Рўзиевга

Ҳурматли Эркин Маҳмудович!

Халқ таълими вазирлиги Тошкент вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 42000 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 5700 тонна бўлиб, йиллик режанинг 14 фоизини ташкил этади холос. Ўтган йили 14 августгача 13069 тонна жамғарилган эди.

Бундан ташқари «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг берган маълумотига кўра, олинган кўмир учун дебитор қарзлар 0.935 млн. сўмни ташкил этади.

Қарзларни ўз вақтида узиш учун вилоят молия бошқармасига керакли маблағ ажратиш ҳамда вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Қашқадарё вилояти ҳокими Ш. Р. Бегматовга

Ҳурматли Шуҳрат Раҳимович!

Халқ таълими вазирлиги Қашқадарё вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 45500 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 6700 тонна, бу йиллик режанинг 15 фоизини ташкил этади, холос. Ўтган йили 14 августгача 11300 тонна жамғарилган эди.

Вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Самарқанд вилояти ҳокими А. М. Мардиевга

Ҳурматли Алишер Мардиевич!

Халқ таълими вазирлиги Самарқанд вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 44240 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 8500 тонна бўлиб, йиллик режанинг 19 фоизини ташкил этади, холос. Ўтган йили 14 августгача 10341 тонна жамғарилган эди.

Бундан ташқари «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг берган маълумотига кўра, олинган кўмир учун дебитор қарзлар 0.14 млн. сўмни ташкил этади.

Қарзларни ўз вақтида узиш учун вилоят молия бошқармасига керакли маблағ ажратиш ҳамда вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Навоий вилояти ҳокими Ҳ. Р. Ғаффоровга

Ҳурматли Ҳаёт Раҳимович!

Халқ таълими вазирлиги Навоий вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 16500 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 4300 тонна бўлиб, йиллик режанинг 26 фоизини ташкил этади, холос. Ўтган йили 14 августгача 11200 тонна жамғарилган эди.

Бундан ташқари «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг берган маълумотига кўра, олинган кўмир учун дебитор қарзлар 1.2 млн. сўмни ташкил этади.

Қарзларни ўз вақтида узиш учун вилоят молия бошқармасига керакли маблағ ажратиш ҳамда вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Жиззах вилояти ҳокими Ш. М. Мирзиёевга

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Халқ таълими вазирлиги Жиззах вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 13037 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 2100 тонна бўлиб, йиллик режанинг 16 фоизини ташкил этади, холос. Ўтган йили 14 августгача 6644 тонна жамғарилган эди.

Бундан ташқари «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг берган маълумотига кўра, олинган кўмир учун дебитор қарзлар 1.4 млн. сўмни ташкил этади.

Қарзларни ўз вақтида узиш учун вилоят молия бошқармасига керакли маблағ ажратиш ҳамда вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Фарғона вилояти ҳокими Н. Ш. Мўминовга

Ҳурматли Нуъмонжон Шодиевич!

Халқ таълими вазирлиги Фарғона вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 54700 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 21400 тонна бўлиб, йиллик режанинг 39 фоизини ташкил этади, холос.

Бундан ташқари «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг берган маълумотига кўра, олинган кўмир учун дебитор қарзлар 8.3 млн. сўмни ташкил этади.

Қарзларни ўз вақтида узиш учун вилоят молия бошқармасига керакли маблағ ажратиш ҳамда вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Бухоро вилояти ҳокими С. Қ. Ҳусеновга

Ҳурматли Самойдин Қосимович!

Халқ таълими вазирлиги Бухоро вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 12181 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 6000 тонна бўлиб, йиллик режанинг 49 фоизини ташкил этади, холос.

Бундан ташқари «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг берган маълумотига кўра, олинган кўмир учун дебитор қарзлар 4.2 млн. сўмни ташкил этади.

Қарзларни ўз вақтида узиш учун вилоят молия бошқармасига керакли маблағ ажратиш ҳамда вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Н. Норалиевга

Ҳурматли Жўра Норалиевич!

Халқ таълими вазирлиги Сурхондарё вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят Шаргун кўмир кони билан 37846 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августгача бўлган ҳолати 16900 тонна бўлиб, йиллик режанинг 45 фоизини ташкил этади, холос. Ўтган йили 14 августгача 18158 тонна жамғарилган эди.

Бундан ташқари «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг берган маълумотига кўра, олинган кўмир учун дебитор қарзлар 46,2 млн. сўмни ташкил этади.

Қарзларни ўз вақтида узиш учун вилоят молия бошқармасига керакли маблағ ажратиш ҳамда Шаргун кўмир конига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Сирдарё вилояти ҳокими Ў. Қ. Исмоиловга

Ҳурматли Ўктам Кучқорович!

Халқ таълими вазирлиги Сирдарё вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 13309 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августгача бўлган бўлган ҳолати 4500 тонна бўлиб, йиллик режанинг 34 фоизини ташкил этади, холос. Ўтган йили 14 августгача 11172 тонна жамғарилган эди.

Вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Наманган вилояти ҳокими Т. О. Жабборовга

Ҳурматли Тўлқин Отахонович!

Халқ таълими вазирлиги Наманган вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 54546 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 12000 тонна бўлиб, йиллик режанинг 22 фоизини ташкил этади, холос. Ўтган йили 14 августгача 13977 тонна жамғарилган эди.

Вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидовга

Ҳурматли Қобилжон Обидович!

Халқ таълими вазирлиги Андижон вилояти таълим муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўмир жамғариш қониқарсиз аҳволда эканлигини ўта куйинган ҳолда таъкидлаб ўтмоқда.

Вилоят кўмир корхоналари билан 56910 тонна кўмир олиш учун шартнома тузилган бўлишига қарамай, кўмир ортилишининг 14 августга бўлган ҳолати 43300 тонна бўлиб, йиллик режанинг 76 фоизини ташкил этади.

Бундан ташқари «Кўмир» акционерлик бирлашмасининг берган маълумотига кўра, олинган кўмир учун дебитор қарзлар 10,6 млн. сўмни ташкил этади.

Қарзларни ўз вақтида узиш учун вилоят молия бошқармасига керакли маблағ ажратиш ҳамда вилоят «Кўмир» таъминот корхонасига таълим муассасаларини кўмир билан бетўхтов таъминлаб туришларига кўрсатма беришингизни сўрайман.

Авиакомпания ўз ишини тўхтатди

«Филиппин эйрлайнз» миллий авиакомпанияси ўз фаолиятини тўхтатди. Авиакомпания 2 миллиард доллар қарзга ботгани ва меҳнат жамоаси билан можаро келиб чиққани сабабли унинг директорлар кенгаши шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлди.

Яқинда ўзининг 57 йиллик юбилейини нишонлаган «Филиппин эйрлайнз» Жануби-шарқий Осиёдаги энг кекса авиакомпаниялардан бири ҳисобланарди. У 80 фоиз ички йўналишларга хизмат кўрсатар эди. Унинг ўз фаолиятини тўхтатиши 9 минг кишининг ишсиз қолишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда Корея маданият кунлари

Дўстлар ташрифи

Ўлкамизда ўтказилган Корея маданияти кунлари ҳақида ўйладим, тўлқинландим. Ахир Кореяни бугунги кунда Ўзбекистоннинг етти яшаридан етмиш яшаригача яхши билади. «Нексия», «Дамас», «Тико» машиналари барчамизнинг энг яқин ҳамроҳимизга айланди. Бугун эса дўстларимизнинг маданияти, санъати, миллий урф-одатлари билан таниша бошладик. Улар бизнинг қадриятларимиз билан ошно тутинмоқчи, қандай яхши. Истиқлол шарофати бу. Бир пайтлар ўн беш республиканинг биридан келиб, маданият кунларини ўтказишса, дунё шу экан деб ўйлаганимиз рост. Алданган эканмиз. Дунёда унданда гўзал, жозибали, дилбар маданиятлар борлигини мустақиллик сабаб англай бошладик. Йўқ, йўқ, ўз кўзимиз билан кўра бошладик. Нақадар қувончли.

Бизларни совуқ юртларнинг бир бўлаги деганлар бугун ўтмиши дунёни ларзага солувчи, бугуни барча миллатлар, эл-элатлар қатори маънавиятли эл эканлигини, эртаси нурафшон, иқболи истиқболли Ватанни, юртни яқиндан таний бошлашди. Дўстлашишга шошилишмоқда. Нақадар фахрбахш лаҳзалар. Фарахбахш дамлар.

Ўзбекистон ва Корея биродарлашгани каби, ўзбеклар ва корейслар дўстлашгани рост бўлсин, илоҳи то абад бўлсин!

Юсуф ХУДОЙҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Долларнинг янги намунаси

АҚШда янги намунадаги 20 доллар қийматга эга пул муомалага киритилди. У мукаммалаштирилган ҳимоя воситаларига эга. Илгариги 20 долларлик купюралар ҳам янгиси билан бир хилда муомалада бўлади ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

Янги пул кўринишининг эскисидан асосий фарқи шундаки, унда АҚШнинг еттинчи президенти Эндрю Жексоннинг сурати катталаштирилган ва марказдан четга сурилган. Шунингдек, унда эскисиникидан фарқли ўлароқ, Оқ Уйнинг олд кўриниши эмас, балки шимолий томони муҳрланган.



Венгрия. Дунай кўприги

2. Эҳтиётсизлик ҳалокатга олиб келади

1981 йил, апрель. Япония яқинида Япониянинг юк ташувчи «Ниссо-мару» кемаси кутилмаганда чўкиб кетди. Бу ҳам номаълум сабабларга кўра ёки уммоннинг илоҳий кучи ютиб юборгани ҳақида овозалар тарқалишига сабаб бўларди, агарки бутун экипаж чўкиб ўлиб кетганида. Яхшиямки экипажнинг айрим вакиллари ўзларини ўлимдан қутқариб қолишди. Уларнинг гувоҳликларигина воқеа тафсилотларини очиб берди. «Ниссо-мару» тинч ва сокин уммонда ҳеч қандай хавф-хатарсиз сузиб борарди. Кутилмаганда кемага нимадир қаттиқ урилди. Сигара кўринишидаги улкан бир нарса тўлқинлар узра сув юзига бироз қалқиб ҳам чиқди. Сўнг бирдан сув остига чўкиб кетди-да, ғойиб бўлди. Кейин... «Ниссо-мару» «жон таслим қилди».

Бундай пайтда ҳар қандай одам ҳам вазиятни тўғри англаб етиши ва тафсилотларга тўғри баҳо бера билиши қийин. Бирдан табиатнинг ғайритабиий кучларига хаёл кетиб қолиши табиий. Чарльз Берлицнинг ўз пайтида катта шов-шувга эга бўлган «Бермуд учбурчаги» (Нью-Йорк, 1974 йил) китоби (тўғрироғи, исботланмаган уйдирмаси) ҳам ўшандай хаёллар исканжасининг мевасидир. Бироқ кемаси ҳалокатга учраган японлар вазиятга тўғри баҳо бера билдилар. Улар табиатнинг ғайритабиий маҳлуқларидан эмас, балки Пентагоннинг узун қўлидан гумондор бўлишди ва охир-оқибат буни исботлаб ҳам беришди. Тўғри, аввалига Вашингтон инкор этди, лекин бир неча ой ўтгач, айбини бўйнига олди. Маълум бўлишича, Пентагоннинг Узоқ Шарқдаги ҳарбий базасига қарашли Американинг ядро-ракетали сув ости кемаси шу ердан ўтиб кетаётиб, уриб юборган экан.

Америкаликларнинг ўзга чегараларга сездирмай ўтиб кришидан, жуда катта эҳтиётсизлик қилишганидан, тинч кетаётган кемани ҳалокат жарига итариб юбориб, ўзлари «қуён» бўлганлигидан японлар қаттиқ ғазабга тушишди. Буни қарокчилик кўринишларидан бири деб ҳам баҳолашди. Бироқ воқеа... энди ўлганларни қайтариб бўлмайди.

Худди шундай воқеа Скагеррак кўрфазида яна такрорланди. Данияниng «Ан Катрин» траулери чўкиб кетди, натижада уч балиқчи қазо қилди. Тирик қолганларнинг гувоҳлик беришича, қандайдир куч трауларни сув остига тортиб кетган. Кейин аниқландики, траулернинг балиқ тутиш учун ташлаган тўри шу жойдан ўтиб кетаётган сув ости кемасига илиниб қолган ва траулерни денгиз тубига тортиб кетган. Буни қарангки, сув ости кемасини Ғарбий германиялик кемасозлар Чили учун қуриб берган ва ўша куни германиялик усталар чилилик ҳарбийлар гувоҳлигида кемани синовдан ўтказаётган экан. Синов «аъло» ўтди.

Қисқаси бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Барчаси сирли йўқолган. Фақат нега, бу саволнинг жавоби энди барчамизга аён.

Француз ёзувчиси Жан Фревилнинг «Сариқ чақасиз» романида «эркин рақобат» дея аталмиш майдонда фойда учун, бир танга учун одамзот қанчалик юзтубан кетиши тўғрисида аччиқ гаплар айтилади. Л. Н. Скрягин инсон ўлими ва бошқа мусибату офатлар ҳисобига бизнес қилувчи, шундан фойда кўрувчилар сунъийлик, ясамалик авж олган».

XIX аср давомида ва XX асрнинг биринчи ярмида (фақат тинчлик даврида) 40000 савдо кемаси сув остига чўкиб кетган. Шундан қанчаси атайин уюштирилган, бу ёлғиз Оллоҳга маълум. Қанчаси кутилмаганда чиққан аланга туфайли ёниб кетди. Айниқса, кема ёнғинлари Европада «буюк турғунлик» юз берган 30-йилларда авж олиб кетди. Негаки, бу даврда ҳалокатга учраган кемаларга тўланадиган суғурта миқдори кўп эди. Кейинчалик бундай фалокатлар бироз камайди, лекин шундаям йилига 530 тадан ҳалокат юз бериб турди. Шулардан бир қанчаси аввалгидек ўйланган режа асосида сув остига чўкди. Тўғри, кемалар ҳалокатида айрим тасодифий ҳолатлар ҳам юз берган. Буни инкор этиб бўлмайди. Бундан ташқари кема қурилаётган пайтда муҳандислар ёки лойиҳачилар хатоси ила баъзи бир камчиликларга йўл қўйилган бўлиши ҳам табиий. Масалан, иккинчи жаҳон уруши пайтида америкаликлар кема ишлаб чиқаришни тезлаштириш мақсадида кема тутамларини бир-бирига улашда парчинлаш ўрнига пайвандлаш усулини қўллашган. Кема тутамлари бир-бирига сифатсиз уланганлиги, тўғрироғи, пайвандлаш кемачиликка мос эмаслиги кейинчалик маълум бўлди. Гап шундаки, пайвандлаш усули қўлланган кўп кемаларнинг асосий «корпуси»да ўз-ўзидан ёриқлар пайдо бўларди. Ўнлаб танкер ва юк ташувчи кемалар шу кўйи ҳалокатга юз тутди. Бир хиллари йўлда — сокин, тинч денгизда фалокатга учраса, бошқа бирлари ҳали синов муддати тугамай, портда турибоқ ёрилиб кетарди. Бундан ташқари денгизчиларнинг тажрибасизлиги, кема бошқаришда уқувсизлиги ёки кемада тартиб-интизомнинг бўшлиги ҳам кема ҳалокатига сабаб бўлади. Қисқаси сабаблар кўп. Бироқ денгизнинг табиий кучини, довуллари ва тўлқинларининг нақадар шафқатсизлигини инобатга олмаслик, у билан ҳисоблашмаслик инсофдан эмас. Ахир денгиз ва уммон инсон ақлзаковати ўтмаган ва етмаган сир-синоатларга тўла. Лекин нима бўлгандаям воқеликни инсон чуқурроқ мушоҳада этса ҳар қандай сир-синоатлар тугунини ечишга қурби етади. Мана охир-оқибат «Жаҳаннам ўчоғи» деб аталмиш ўта хавфли «зона»нинг сирини аниқлашди-ку. Илмий комиссия 2 йил давомида (400 километр атрофда) илмий текшириш ва кузатиш ишларини олиб бориб, шу нарсани аниқладики, бу жой сув дарвозаси экан. Шунинг учун бу ерда бошқа акваторияларгага қараганда сув оқими тез ва кучли. Кўпинча ҳалокатга учраган кемалар бу жойдан ғойиб бўлиб қолишининг сабаби сув оқими уни бошқа жойларга суриб кетади ва ҳалокат изларидан номнишон қолмайди. Бу эса ўз навбатида турли-туман миш-мишлар, денгизнинг илоҳий кучи ҳақида гап-сўзлар тарқалишига сабаб бўлаётган экан.

Зулхумор СУЛТОНОВА
тайёрлади





ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 28

ЎзТВ-I

«Ўзбекистон» канали Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 28 сентябрь куни «Ўзбекистон» I телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.10 гача «Халқаро» 4 телеканали орқали намойиш этилади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
18.20 «Олам ва одам».
18.40 «Дардингизни олай».
18.55 «Оҳанглар оғушида». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.35 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 45-кўй.
23.15 «Таянч нуқтаси».
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Пахтакор».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Жажжи давра», Мультгомоша).
18.40 «Оила йилига бағишланади. «Хонадон».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Ташрифлар ва таклифлар.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 «Буюк юрт фарзандиман».
21.05 «Куйла, ёшлигим».
21.15 «Текин томоша».
21.30 Араб эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Аляска» Саргузашт фильм.
23.55 Спорт қитъаси.
00.25 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.30 «Санта— Барбара». Телесериал.
19.10 Телефакт.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 ТТВ — Мюзик.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Бумеранг».
22.10 «Куйла, ёшлигим».
22.35 «Янги иқтисод».
22.55 «Давр билан ҳамнафас».
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Саргузашт фильмлар экрани.
00.55 Спорт-тайм.
01.25 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Қалб наволари». Мусиқий дастур.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Касбликлар». Премьера.
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Вена почта маркаси». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
12.35 «Беш бармоқ». Тележурнал.
13.00 — 14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.

* * *

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 «Кўзмунчоқ».
Россия жамоат телевидениеси.
19.00 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Тушга ўхшаган севги». Алла Пугачёва.
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Кабарэ». Бадиий фильм (АҚШ).
00.30 «Кимга қанақа?».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: Дэвид Бреднинг «Аччиқ ҳақиқат» фильми (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин

СЕШАНБА, 29

ЎзТВ-I

«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Дилрабо тароналар.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Миниатюра ранг тасвири».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 45-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ов». Мультфильм.
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Оламга саёҳат».
11.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.05 Кундузги сеанс. «Қароқчи чоллар». Бадиий фильм.
13.35—14.00. «Қиёфа».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
18.20 «Шоирлар — болаларга».
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Қизилқум мўъжизалари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мулк шакли ўзгаргач».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
22.30 «Акс садо».
23.00 Диққат, премьера: М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 46-кўй.
23.45 «Ахборот»
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Эркатой», Мультгомоша).
18.40 «Ватан манзаралари.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Ёшлик формуласи».
20.45 «Болаливудга нигоҳ».
21.05 «Марду майдон».
21.30 Форс-мажор.
21.40 15 дақиқа спорт ҳақида.
21.55 «Шарқ эстрадаси».
22.15 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Синема. «Бестселлер». Детектив.
00.10 Спорт қитъаси.
00.40 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий йўлка.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Буни унутиб бўлмас...». Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган мусиқий кўрсатув.
22.20 Кино, кино, кино.
24.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
00.05 «Хобби хол».
00.25 «Сухбатдош».
00.45 «Молт ва фил». Мультсериал.
01.10 Оҳанглар ва эълонлар.
01.25 Тунги сеанс.
03.05 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00

*

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 «Мининг кўчам».
Россия жамоат телевидениеси
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Бугун оламда...».
21.30 «Касбга назар».
21.45 «ТВ-4» да немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф. Акира Курасаванинг «Саркарданинг сояси» фильми (Япония).
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс. «Қонли ой тамғаси». Детектив фильм. Бош ролларда: Гарри Дениэлс, Чак Жафри (АҚШ).
02.45 — 02.50 Тунингиз осуда бўлсин

ЧОРШАНБА, 30

ЎзТВ-I

«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Эстрада тароналари.
8.45 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
9.05 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 46-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.25 Алифбо сабоқлари.
11.10 Акс садо.
11.40 Болалар учун «Мактублар — кабутарлар».
12.05 «Кетмас давлат берсин».
12.30 Кундузги сеанс: «Ғаройиб бола».Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Ёднома». О. Шарафуддинов.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Саёҳат». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Ҳа-Ҳа-Ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.45 «Меҳригиё».
19.05 «Солиқ ва назорат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оҳанг топса юрак». Толибжон Бадинов концерти.
22.00 Қонун ва ижро».
«Ойдин кечалар».
22.20 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
«Ёшлар ва эстрада».
«Табассум кўчаларида».
00.05 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, «Катта танаффус»).
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
18.45 «Семург». Ўсмирлар учун ахборот-кўнгилочар дастури.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Авторейд.
19.30 «Ракурс».
19.55 «Соссоп» хабар қилади.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 23.20 — Эълонлар.
20.30 «Буюк ипак йўлларида».
20.50 «Ринг».
21.10 Рақслар қанотида.
21.30 «Олмонияга саёҳат».
21.50 Ёшлар куйлайди.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.20 Коктейль плюс.
22.40 Ҳаммаси мода ҳақида.
23.00 Хит-коллекция.
23.25 Синема. «Мистер Питкин в тылу врага». Комедия (Англия).
00.55 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
18.05 Мультфильм.
18.35 «Санта—Барбара». Телесериал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа билан 10 дақиқа».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Ҳайрли оқшом».
22.20 «Мусиқий меҳмонхона».
22.40 «Кўзгу».
23.00 «Ёшлар ҳудуди».
23.25 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
23.30 «Битлз» ҳақида». Ҳужжатли фильм. 2-қисм.
00.35 Оҳанглар ва эълонлар.
00.45 Видео—«О».
02.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00

*

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси
19.10 «Инсон ва қонун».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Дурдаршан».
21.55 «5 дақиқа ҳангома».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: Буқаламун». Детектив фильм. Бош ролларда Энтони Лапалья ва Кевин Поллак (АҚШ).
00.10 «Шоҳсупа сари йўл».
00.30 «5 дақиқа ҳангома».
00.35 Клип-антракт.
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 «Чирчиқ дарё чироқлари».
01.15 Тунги сеанс: Жасика Ланж «Мовий осмон» мелодрамасида. (АҚШ).
02.45—02.50 Тунингиз осуда бўлсин

ПАЙШАНБА, 1

БУГУН — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

ЎзТВ-I

«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. (Ёзиб олинган).
10.00 «Таъзим».
10.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳовуддин Нақшбанд», «Хўжа Ахрор Вали».
10.40 «Ўзбек зиёлиси».
10.55 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.40 «Юрак садолари». Адабий кўрсатув.
12.00 Янгиликлар.
12.10 «Қўшиғимиз сизга армуғон». Мусиқий дастур.
12.40 «Мураббий». Спорт дастури.
12.55 «Баҳром ва Дилором». Мультфильм.
«Умид» намойиш этади:
13.05 «Янги авлод».
«Қувноқлар ва зукколар».
«Газалхон ёшлигим».
«Ўзбекистон аскарлари».
15.05 «Маржон». Телеклуб.
15.50 Кундузги сеанс. «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
17.25 «Ватандан яхши ер ўлмас».
17.45 Болалар учун. «Аралаш».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Устоз ва мураббий».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Диёр». Тележурнал.
21.40 «Оталар чойхо¬наси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.30 «Сомон йўли».
23.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Муаллим». Видеофильм.
00.05 «Сизга таъзим». Мусиқий дастур.
00.45 Бадиий фильм.
02.20—02.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Бўш ўтирма», Мультгомоша).
18.40 «Кутубхона».
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 Дилнавоз садолар.
19.35, 20.25, 22.50 Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 Шарқ эстрадаси.
20.50 «Мезон».
21.10 «Мутойиба».
21.30 Юлдуз Усмонова — меҳмонимиз.
22.10 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.55 Синема. «Ғазаб ва ярость». Триллер.
00.20 Спорт қитъаси.
00.50 «Хайрли тун!».

ЎзТВ-III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ёриltош». Мультгўпламлар.
18.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа билан 10 дақиқа».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Ҳайрли оқшом».
22.20 «Мусиқий меҳмонхона».
22.40 «Кўзгу».
23.00 «Ёшлар ҳудуди».
23.25 «Тошкент вақти». Информацион кўрсатув.
23.30 «Битлз» ҳақида». Ҳужжатли фильм. 2-қисм.
00.35 Оҳанглар ва эълонлар.
00.45 Видео—«О».
02.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00

*

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тигиз пайт».
19.15 «Бу эрмак жониворлар». Телеўйин.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Бугун оламда...»
21.30 «Глинка, 44».
21.40 «Монитор — Осиё».
22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси». Франсуа Трюффо.
22.50 Франсуа Трюффонинг «Америка туни» фильми (Франция).
00.20 «Бугун оламда...»
00.25 «Таъзим».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс. «Жазо босқичи». Бадиий фильм. Бош ролларда: Питер Страусс, Мелисса Жилберт (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин

ЖУМА, 2

ЎзТВ-I

«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
8.55 «Маърифат маскани».
9.20 «Кафолат».
9.40 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.20 «Бокира туйғулар».
11.40 «Замин фидойилари».
12.05 Кундузги сеанс. «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм.
13.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.10 «Келажагимиз ворислари».
14.30—14.50 «Халқ ижодиёти».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Тилга эътибор».
18.45 «Наво тараласин». Мусиқий дастур.
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қўшиқларда яшар муҳаббат». Мусиқий дастур.
21.30 «Оила». Тележурнал.
21.55 «Маслак ва мақсад».
22.15 «Битик».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
22.35 «Азиз сиймолар».
22.55 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот».
00.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Нефтчи».
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Янгиликлар, Олтин калит, Мультгомоша).
18.40 «Ислом ва ёшлар».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.20 «Шабнам».
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Талабалар шаҳарчаси».
20.50 «Ёшлар қўйлайди».
21.00 Бизнес-доктор.
21.30 Автосалтанат».
21.40 Араб эстрадаси.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Сени севдим» (Хиндистон).
00.30 Спорт қитъаси.
01.00 «Мунаввар тонг истаб...».

ЎзТВ-III

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
8.25 «Буни унутиб бўлмас...»
8.55 «Тошкент ва тошкентликлар».
9.10 «Туризм ҳақида».
9.35 Кино, кино, кино.
11.15 «Бумеранг».
11.35 «ТТВ мюзик».
12.05 — 13.45 Кунингоҳ.

* * *

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.05 «Ёриltош». Мультгўпламлар.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Онагинам».
20.10 Нурли мавж.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Довюраклар». Телесериал.
21.40 «Жозиба».
21.55 Спорт оламида.
22.20 «Даракчи».
22.25 ЎзТВ фильмофондидан. «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
23.45 «Даракчи».
23.50 «Умр дафтари».
00.20 Оҳанглар ва эълонлар.
00.35 Кинонигоҳ.
02.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

ЎзТВ-IV

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00

*

16.40 Кўрсатувлар тартиби.
16.45 Янгиликлар.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Ўтмиш пайт».
19.15 «Ер эрмаги». Телеўйин.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.25 «Бугун оламда...»
21.30 «Глинка, 44».
21.40 «Монитор — Осиё».
22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси». Франсуа Трюффо.
22.50 Франсуа Трюффонинг «Америка туни» фильми (Франция).
00.20 «Бугун оламда...»
00.25 «Таъзим».
00.45 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс. «Жазо босқичи». Бадиий фильм. Бош ролларда: Питер Страусс, Мелисса Жилберт (АҚШ).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин

ШАНБА, 3

ЎзТВ-I

«Ўзбекистон» канали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 «Экран зийнати ва муаммолар».
9.40 «Мезон».
10.00 «Шохрух клуби».
10.20 «Сурат ва сийрат». Адабий кўрсатув.
«Умид» намойиш этади:
10.40 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
«Соғлом авлод учун».
«Қўшиғим жон қўшиғим».
12.00 Кундузги сеанс. «Кин дза-дза».Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
14.20—14.50 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон

Мусиқага тўкилди кўнгил

Шаҳримизнинг марказий кўчаларида шиорлар осиғлиқ: «Халқаро симфоник мусиқа фестивали Тошкент — 98». Кўриб кўнглингизга илиқлик югуради. Дунёнинг илғор мамлакатларидан келган бастакорлар, мусиқашунослар азим Тошкент бағрида. Мен юртимнинг дунё билан бўйлашаётганидан, чоризм маданият олиб келди, дегувчиларнинг мулзамлашаётганидан, ўтмиши буюк халқнинг келажаги ҳам буюк эканлигидан ўзимга сиғмайман. Элни тўзитаман деганлар пана-панада тубанлашаётганида, халқимнинг қадрини тиклаётганини кўриб, мен юксаламан.

Мусиқа — кўнгил мулки. Муҳташам Туркистон саройида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мусиқасининг муаллифи, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза ва Бердақ номли Давлат мукофотлари совриндори, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Мутал Бурхонов саҳнага кўтарилади. Абдулла Ориповнинг «Алишер Навоийга қасида» шеърига бағишланган симфоник мусиқаси фестивални бошлаб берди. Мен таъкидлаганим сабаб, ушбу анжуманнинг бобомиз ҳазрат Алишер Навоийни хотирлаш билан бошланғани, ота-боболаримиздан қолган қадимий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳаётийлашаётганини, ай, барибир ўзбеклигингга борасанда ўзбегим, дейиш эди.

Мен америкалик П.Чайлднинг, кореялик Ли Геон Енгнинг, туркиялик Ялчин Тўранинг ва қўшниларимизнинг юзларида ушбу анжумандан қониқиш ҳисси гупуриб турганини сездим. Қисқа давр ичида пойтахтимизнинг юксалгани, чирой очгани, салобати, виқори бир тарафдан ром этса, бир тарафдан ўзбек симфоник мусиқа санъатининг жозибаси хушнуд этганлиги, бағри дарё юртга ташриф буюрганидан мамнун эканлиги, уларнинг юзларидан намоён. Г. Ли: «Мен ўзбекча куй ўрганиб кетаман» — дейди жилмайиб. Тожикистонлик Толибжон Шаҳидий: «Мен АҚШ, Германия, Швеция каби мамлакатларда бўлганман. Республикангизда ўтаётган фестиваль ҳам ҳеч бир жиҳати билан қолишмайди» — дейди жилмайиб. Туркиялик Ялчин Тўра: «Чин дўстлик, суҳбатдошлик улуғ иш. Қонимиз бир. Сизларни соғиниб яшаймиз, бизни соғинганингиз каби» — дейди ғурурланиб. Америкалик Питер Чайлд: «Мен Тошкентда биринчи бўлишим. Ўзим орзу қилган диёрдаман. Мусиқа халқларимизни жипслаштиришига ишонаман» — дейди. Бу меҳмонлар гапи. Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев: «Биз ушбу фестивални кўрик-танловларсиз, совға-саломларсиз ўтказамиз. Бир сўз билан айтганда, бу анжуман фидойилик кўриги бўлади. 20 га яқин давлатлардан фидоий бастакорлар келишди. Бу бизнинг ютуғимиз. Ушбу анжуманга фидойилик қилган инсон юртбошимиз Ислом Каримов ўзбек мусиқасининг парвозини ер шари узра ёйишда буюк хизмат кўрсатди. Шу баҳона дунё билан тиллашамиз, дўстлашамиз».

22-25 сентябрь кунлари мустақиллигимиз тарихида олтин ҳарфлар билан ёзиладиган бўлди. Ахир халқаро анжуман, унинг дилкаш иштирокчилари, юраклар кўкрак қафасини ёриб чиқудек томошабинлар кимнинг ёдидан чиқади дейсиз.



Элим, аввало, яна бир бор истиқлолинг муборак, дунё билан бўйлашганинг, ўзингни тенглар ичра тенг билганинг муборак бўлсин! Халқаро симфоник мусиқа фестивали «Тошкент — 98» баҳона, олам уйига эшик очганинг қутлуғ бўлсин! Мен ишонаман, шарқ дарчасидан эсган шабада дунёни муаттар айлагай!

Юсуф ЖЎРАЕВ

Шатранж оламида

Олимпиадага йўл олишди

Мамлакатимиз терма жамоалари навбатдаги жаҳон шахмат олимпиадасида қатнашиш учун Қалмиғистон пойтахти Элиста шаҳрига жўнаб кетишди.

Келгуси йили энг нуфузли спорт ташкилотларидан бири — эндиликда ўз сафларига 150 дан зиёд миллий уюшмаларни бирлаштириб турган халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ ташкил топганлигининг 75 йиллиги кенг нишонланади. Тараддуд бошланганига ҳам анча бўлиб қолди. Белгиланган тадбирлар қаторида навбатдаги олимпиадани ҳар галгидан кўра пухта ташкил этиш кўзда тутилган.

Жаҳон шахматчилик ҳаракати тобора кучайиб бораётган бир пайтда бир гуруҳ ташаббускорлар саъй-ҳаракатлари билан 1924 йили Парижда ФИДЕни таъсис этишга эришилган эди. Расмий жаҳон шахсий биринчиликлари 1894 йилда бошланган бўлса, шахмат олимпиадаларига 1927 йилда асос солинди ва ҳар 2 йилда бир маротаба ўтказилиб келинмоқда. Республикамиз мустақилликка эришгач, кўпгина халқаро ташкилотларга, жумладан ФИДЕга ҳам аъзо бўлиб кирди. 1992 йили Филиппинда ҳеч ким кутмаган натижа рўй берди. Бундай олимпиадаларда илк бор имкониятларини синаб кўрган Ўзбекистон шахматчиларига улкан муваффақият кулиб боқди. Терма жамоамиз юздан ортиқ мамлакат вакиллари орасида иккинчи ўринни эгаллади. Ўшанда йирик газеталардан бири вакилларимиз ҳақида: «келганда ҳеч ким танимаган ўзбекистонликлар кетишда номдор бўлиб қайтдилар», деб ёзган эди.

Бу галгиси шахматчиларимиз учун тўртинчи олимпиада булади. Албатта, 1992 йилги натижани кутиш, ҳақиқий шахмат кучларига одилона баҳо бериш осонмас. Аммо, асосий таркиби тўрт нафар ёш иқтидорли гроссмейстерлардан иборат эркаклар терма командамиз дастлабки кучли ўнлик учун бемалол кураша оладилар, деган фикрдамиз. Халқаро гроссмейстерлар Рустам Қосимжонов, Сергей Загребельний, Сайдали Йўлдошев ва Михаил Салтаев асосий ўйинчилар бўлса, гроссмейстер бўлишига бир баҳя қолган халқаро мастерлар Владимир Егин билан Шуҳрат Сафинлар заҳирадаги ўйинчилар бўлсада уларга ишонамиз.

Аёллар терма жамоамиз халқаро мастерлар Рена Мамедова, Ольга Ким, Анжела Хегай ҳамда заҳирадаги миллий спорт устаси Ирода Ҳамроқуловалардан иборат бўлиб, булар ҳам жуда кўп командаларни ортда қолдиришларига кўзимиз етади. Зафар ёр бўлсин, олимпиадачилар!

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Республика шахмат федерацияси вице-президенти

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ,* навбатчи *Мурод АЛИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи ***Бахтиёр ҲАМИДОВ***

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.629 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0313

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 26 sentyabr, shanba № 115 (23.352).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Шеър ва шуур

Баҳор менинг қалбимда яшар



Биламан, армонинг жуда ҳам буюк,
Мени тугатмоққа ичгансан қасам.
Юракнинг ўрнида бир ҳовуч кулок,
Куяверасан оҳ, қандай алам.

Қачонки куйласам ўтли қўшиқни,
Мени тугатмоққа ичасан қасам.
Ёниқ муҳаббатман, шундай бир ишқки,
На куйдириб, на ўлдиролмассан.

Бегуноҳ умримга тошлар отганинг,
Биламан, унвони, мансаби ошар.
Менинг оппоқ тонгим отганда,
Кўк қадар фарёду фиғонинг тошар.

Бегуноҳ умримга отавер тошлар,
Бевақт куз бўлиб боғимни сарғайт.
Зеро, баҳор менинг қалбимда яшар,
Кўклам лабидаги мен илоҳий байт.

❖

Сен мунғайиб юрасан —
Мусичаю бегуноҳ,
Пайтин пойлаб турасан
Йиқилишимни ногоҳ.
Билмайсан мени қўллар
Икки қоя борлигин,
Ниятинг тилка-тилка,
Битта дўстга зорлигинг.

Сенинг кутганинг ағёр,
Кўйлаклари тумандан.
Менинг кутганим дилдор,
Танлаб олдим тумандан.
Сен курганинг иморат
Ўрни илоплар юри.
Мен курганим иморат
Ўрни чўққилар сори.

Сен жимсан, сўзламайсан,
Ҳамсоясан гурбатга.
Ёмонлик изламайман,
Сирдошман муҳаббатга.
Сенинг умринг шомида,
Ҳаёт дод солиб кетар.
Менинг умрим шомида,
Ҳаёт от солиб кетар.

Бу уйда...

Бу уйда бир ёлғиз аёл яшайди,
Фақат тонгга очар у эшигини,
Кучиб алам белангган бешигини,
Оҳиста куйлар фироқнинг қўшиғини.

Сарвиқадли келиб эшик чертмайди,
Бу уйда бир ёлғиз аёл яшайди.

Тунлар дайдиб у ҳеч қаён кетмайди,
Тушларининг таъбирига етмайди,

Хаёлда кияр у қизил куйлагин,
«Келса ҳамма, ҳаммасини сўйлагум»,
Кейин эса кетгизгани қўймагум» —
Йўлар суриб ёлғиз аёл яшайди.

Яширдим

Инсони комилим сизни юрагимга яширдим,
Бир нок нур каби умид тилагимга яширдим.
Маломат тошларидан бағир зада-зададир,
Андиша боғлар кучим, билагимга яширдим.

Ҳеч кимнинг қўли, ўйи, йўли етмас қоя деб,
Юракда ишқ тургани менга бахт ҳамсоя деб,
Муҳаббат чин, мол дунё инсонга бир соядир,
Бебаҳо топилмасим юрагимга яширдим.

Ёғийим лол мен ёниб бахтдан бўйладим,
Чоҳга йиқилмадим йўқ, баланд тахтдан сўйладим,
Беҳиштдай юрт севаман, муҳаббатдан сўйладим,
Зирқироқ оғриқларни сунгимга яширдим.

Ёш жонимни қарғашар, мол-давлатим ортади,
Аламдан кичрайишар, салобатим ортади,

Яхшилик тилаб тангрим, тиловатим ортади,
Имон, эътиқодимни юрагимга яширдим.

Қуёшга қарасангиз кўзларни қамаштирар,
Қамашмас нигоҳлар кўп, йўллардан адаштирар.
Ҳеч кимга ишонмасим, ишончим титраб турар,
Қуёшим, сизни қалбим фалагига яширдим.

❖

Сени қуёшми, ой деб атайин,
Қуёшдек баробар бўлма ҳар кимга.
Мўралаб ҳар даричага ойдайин...
Истайман, бетакрор, бетакрор ишқдай,
Фақат меники, меники бўлгил.

Эркатош ШУКУРОВА

Беморга бахшидалик



Хуршидахон Халилова оппоқ халатини кийиб беморхона томон юраркан унга пешвоз чиққан ҳамширага юзланди.

— Беморнинг аҳволи қалай?

— Анча яхши, — деди ҳамшира ҳозиржавоблик билан.

Хуршидахон Халилова беморхона эшигини очиб беморлар билан саломлашди. Сўнг чеккадаги ўринда ётган боланинг яқинига борди.

— Аҳволлар қалай, Муроджон?

— Яхши бўлиб қолдим, — деди бола хушҳол боқиб, — онам уйга қайтди.

Хуршидахон боланинг саломатлигини кузатаркан, ўтган куни кўринган онанинг ҳолатини эслади.

Беморнинг шифоланиши Хуршидахонга ҳам куч-қувват, хуш-кайфият бахш этди. Беморхонадан хонасига енгил қайтди.

— Мана бу гулларни сизга олиб келдим, — деди ўртабўй аёл шифокорга рўбарў бўлиб, — уйимиздаги гулхонадан эрта тонгда уздим. Муроджоннинг яхши бўлганидан хурсандмиз.

— Овора бўлишга ҳожат йўқ эди, — деди шифокор, илтифот билан.

— Ундай деманг, опа. Мижжа қоқмай, Муроджоннинг олдида соатлаб ўтирганингизда, менга ҳам она, ҳам шифокор сифатида далда бўлганингизда ният қилгандим. Бир гулдаста сиздан айлансин.

— Бурчимиз шундай, — деди шифокор опахонга. — Беморга бахшида бўламиз. Шунда хасталик тез шифо топади.

Хуршидахон Халилова Андижон шаҳридаги 2-болалар клиник шифохонасининг бош шифокори сифатида ота-оналардан кўп бор миннатдорлик сўзларини эшитади. Ҳамкасбларининг ҳам бундай эъзозга сазоворлигидан хурсанд бўлади. Ҳеч ким хаста бўлмаслигини тилайди.

Раҳимахон Фозилова, Дилоромхон Мамажонова, Шаҳзодахон Алиеваларнинг кўпчилик ҳурматига муяссарлиги ҳам бемор дардига малҳам бўлишлигидандир.

Шифохона бош шифокори замона талаблари асосида ибратли ишлаш тарафдори. Яқинда қизларни соғломлаштириш бўлимининг очилиши ҳам шундан далолат.

— Соғлом авлод асоси қизлар балоғати-ю баркамоллигига боғлиқ, — дейди Хуршидахон Халилова. — Улар соғ-саломат ўсишса, келажакда болаларимиз саломатлиги кутилганидек бўлади. Қизларни соғломлаштириш бўлими мудири Зулфизархон Насриддинова бу борада жонкуярлик билан меҳнат қиляпти.

Бир оғиз ширин сўз беморга қанчалик таскин берса, шифокорга куч-қувват бахш этади. Бундай чоғларда Хуршидахон Халилова масъулиятли касбни танлаганидан, кишиларнинг ҳаёти учун кўмак кўрсатаётганидан қувонади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Суратда: Х. Халилова ўртада.
Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси республика Бош вазири Ўткир Тўхтамуродович Султоновга волидаи муҳтарамалари **КАРИМА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партия Марказий Кенгаши аъзоси, республика Кимё саноати корхоналари уюшмаси — «Ўзкимёсаноат» раиси Н. Р. Юсупбековга опалари **ҲАМИДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Руҳий касалликларни даволаш шифохонасининг маъмурияти ва шифокорлари доцент Жавод Абдуллаевич Зоҳидов ва Мадина Валиевна Зоҳидоваларга онаси **Ҳамида ая РУСТАМБЕКОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти ректорати ва жамоаси институтнинг «Анорганик, физик ва коллоид кимё» кафедраси доценти **Баҳодир Ҳакимович АБДУАЗИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси 1998 йил 6, 16, 28 октябрь кунлари соат 11-00 да кимошди ва биржа савдоларини ўтказади

ДИҚҚАТ!

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Сирғали туманида жойлашган «Пуско-наладка-330» акционерлик жамиятининг маъмурий биноси, умумий майдони 288 кв. м. **Бошланғич нархи — 1011567 сўм.**

2. Сирғали туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Жамоа савдо маркази» биноси. **Бошланғич нархи — 12212000 сўм.**

3. Халқ банки Акмал Икромов тумани бўлимининг «Ўрикзор» даҳасида жойлашган умумий майдони 223,5 кв. м. бўлган қурилиши тугалланмаган биноси. **Бошланғич нархи — 14498,7 минг сўм.**

4. Материал-техник таъминоти бўйича республика ўрмон хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Миробод туманида жойлашган биноси. **Бошланғич нархи — 222536 сўм.**

5. Ҳамза туманида жойлашган «Парвоз» кинотеатри. **Бошланғич нархи — 2736000 сўм.**

6. «Дахр» масъулияти чекланган жамиятининг Юнусобод туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган маъмурий биносининг майдони 1200 кв. м. бўлган қисми. **Бошланғич нархи — 12 000 000 сўм.**

7. Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишларига асосан шаҳар ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари, жумладан, Сирғали, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Собир Раҳимов ва бошқа туманларида. **Бошланғич нархи — 224449 сўм (ҳар бир ер участканинг майдони 0,04 га.дан).**

8. Собир Раҳимов туманида жойлашган «Чуқурсой» автокорхонаси акционерлик жамиятининг учта «ГАЗ-24» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 84623 сўмдан 90037 сўмгача.**

9. Акмал Икромов туманида жойлашган «2-автокомбинат» акционерлик жамиятининг 26 та «ГАЗ-2411» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 89155 сўмдан 253827 сўмгача.**

10. Бектемир туманида жойлашган «МСПМК-366» акционерлик жамиятининг «КаМАЗ-5320» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 696995 сўм.**

11. Бектемир туманида жойлашган «ПМК-1» корхонасининг «Москвич-2141» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 115864 сўм.**

12. Бектемир туманида жойлашган «СПМК-2» корхонасининг «ГАЗ-5312» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 581556 сўм.**

13. Миробод туманида жойлашган «Махсус тажриба автокорхона» ҳиссадорлик жамиятининг:

— иккита «ГАЗ-24» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 93584 сўм ва 95479 сўм;**

— иккита «РАФ-2203» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 195086 сўм ва 198922 сўм.**

14. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Амир Темур Ю. Б.» ҳиссадорлик жамиятининг еттита «ГАЗ-24» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 83361 сўмдан 101970 сўмгача.**

15. Бектемир туманида жойлашган «Тошйўлқурилиш» трестига қарашли йўл ва кўприк қуриш бошқармасининг:

— «ГАЗ-51» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 63575 сўм.**

— «ГАЗ-52» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 101720 сўм.**

Шу билан бирга давлат хазинасига қарздор бўлган корхоналарнинг ҳар хил турдаги асбоб-ускуналари ҳам савдога қўйилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратиладиган ер майдонларига аризаларни қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Кимошди ва биржа савдоларида юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ўтказилади.

Тўловлар турли шаклда амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси 13, 1-қават, 1-хона
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73
Шошилинг, бу сизнинг имкониятингиз!